



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 октябрь, № 204 (9099)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДА

Муаллим — илму зиё, тафаккур ва маърифат тимсоли. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига касб байрами муносабати билан табрик йўллагани, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатган кўрсатган бир гуруҳ ходимларни юксак давлат мукофотлари билан тақдирлагани юртимизда муаллим ва устозларнинг қадди ҳамда қадрини яна бир бор кўкларга кўтарди.

Президентимизнинг табригида устоз-муаллимлар меҳнати эътироф этилиб, таълим-тарбия соҳасида эришилган ютуқларга, келгуси режалару таълим фидойиларининг олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шарафли касб соҳибларининг бугун жонаҳон Ватанимизда барпо этилаётган учинчи Ренессанс бунёдкорларини камол топтиришга муносиб ҳисса қўшишига юксак ишонч билдирилди.

Акс садо



Аксел МУҲАММАДОВ олган сурат.

Ўзини оқлаётган сармоя

Бугун таълим соҳаси ривожини янги босқичга кўтарилди. Мактабларимиз сурати ҳам, сийрати ҳам тубдан ўзгариб, янги Ўзбекистон тимсолига айланиб бормоқда. Президент мактаблари, ижод мактаблари, спорт ҳамда ихтисослаштирилган мактабларда бутунлай янги авлод, янги Ўзбекистон ёшлари улғаймоқда. Улар эришган ютуқлар халқаро миқёсда тан олинаётди. Ўзбек ёшлари ақлу заковати, азму шижо-

ати билан миллатимиз номини дунёга танитмоқда. Зеро, таълимга тикилган сармоя ҳеч қачон касодга учрамаган.

— Президентимизнинг табриги қалбимизга шодлик улашиб, барчамизга фахр бағишлади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шаропова. — Айниқса, ўқувчиларимизнинг ютуқлари эътирофидан юрагим қалқиди. Илгари ўқувчиларимизни йиллаб фан олимпиадаларига тайёрласак ҳам, улар олимпиада ғолиби бўлса ҳам, унинг баҳоси икки энлик фахрий ёрлик эди. Очиги, шундай даврлар бўлди-

ки, ўқитувчи кўча супуришга, пахта дала-сига ва ҳатто баҳорда пилла теришга ҳам олиб чиқилди. Мактаб бошланиши билан ўқувчиларнинг уч ойга яқин умри пахта далаларида ўтарди. Қисқаси, муаллимга ҳўжайин кўп, болалар билан ишлашга вақт йўқ эди. Гўё таълим соҳаси эгасиз қолганди, нима бўлсаям ўқитувчи балоғардон эди. Бугунги кунда шу “юк” муаллимлар гарданидан олиб ташланганининг ўзи катта жасорат аслида. Энди биз, Ўзбекистон муаллимлари Президентимизга камарбаста бўлиб, таълим соҳасини юксалти-

ришга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз шарт. Мактабдан бутунлай кетиб, тирикчилик важида бошқа ишнинг бошини тутган эркак ўқитувчилар ҳам бугун мактабларга қайтмоқда. Улар энди ўз касби ортидан рўзгорини тебратиб, эл-юртда обрў-эътибор топаётганидан мамнун. Шу боис бу инсонларнинг сарфлаган вақтида унум, ишида барака бор. Энг муҳими, ҳаётдан рози бўлиб умргузаронлик қилмоқда. Бу эса мамлакатимизда устувор мақсадлардан биридир.



Ўзбекистон — Покистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

29 сентябрь — 1 октябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлди.

Ҳамкорлик

Ташриф давомидида бир қатор икки томонлама, жумладан, Покистон парламенти Миллий Ассамблеяси Спикери Сардор Аёз Содик, Сенат Раиси Юсуф Ризо Ғилоний, шунингдек, Панжоб вилояти парламенти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилди.

Қонунчилик палатаси Спикери Покистон томонига мамлакатимиздаги демократик ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, Сардор Аёз Содик Ўзбекистон Покистон учун ишончли ҳамкор эканлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотларни юқори баҳолади.

Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган оқилона ва прагматик сиёсати туфайли Ўзбекистон

ижтимоий-иқтисодий, савдо, инвестиция, маданий-гуманитар соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Ўз ўрнида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги кўп томонлама алоқалар фаоллашиб бормоқда. Бунда Президент Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазيري Шаҳбоз Шарифнинг ўзаро ташрифлари муҳим ўрин тутди.

Миллий Ассамблея Спикери Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан Тошкент — Исломобод — Тошкент ҳамда Тошкент — Лаҳор — Тошкент авиақатновлари йўлга қўйилгани халқлар, айниқса, икки давлат ишбилармон доиралари учун катта қулайлик яратаяётганини қайд этди.

Сардор Аёз Содик жорий йил апрель ойда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори савияда ташкил этилгани ва муваффақиятли ўтганини, ушбу тадбир Ўзбекистон парламент дипломатиясининг ютуғи бўлгани ҳамда мамлакатнинг жаҳон майдонида юксалиб бораётган обрўсини намояндаларини таъкидлади.



Сенат қўмитасида

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси йўлида

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Хусусан, мажлис иштирокчилари “Давлат органининг ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга хилоф қарори, ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида”ги қонунни қўриб чиқди.

Мазкур қонун билан мулккий зарарни қоплаш учун ҳудудий мақсадли жамғармалар маблағлари шакллантирилиб, уларнинг манбалари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ундирилаётган маблағлар микдори суднинг қарори асосида аниқла-ниши, жамғармалар маблағларидан фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳудудий Кенгашларга даврий ҳисобот тақдим этиб борилиши, ҳудудий ҳокимликлар зарарни қоплаш учун тўланган маблағларни регресс тартибда ундириш чораларини қўриши белгиланмоқда.

Қонун фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, мансабдор

шахснинг шахсий масъулиятини ошириш ҳамда давлат идоралари фаолиятида шаффофликни таъминлашга хизмат қилиши сенаторлар томонидан алоҳида қайд этилди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан маҳаллий Кенгашларга ҳокимликларнинг айрим ваколатлари ҳамда қонун ҳужжатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган умумий ваколатларнинг аниқлаштирилиши натижасида қўшимча ваколатлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функциялар маҳаллий вакиллик органлари ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ихтисослаштирилмоқда.



Муносабат

Глобал экологик муаммолар ечимида муҳим ёндашув

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли янги Ўзбекистон даврида мутлақо янги — соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлиқнинг муҳим йўналишлари ва ме-ханизмлари жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз тарақиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадлари учун хизмат қилаётди.

Шу ўринда айтиш жоиз-ки, жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар қатори-да экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, глобал иқлим ўзгаришлари, сув

ресурслари, озик-овқат хавфсизлиги муаммолари БМТнинг кейинги йилларда-даги барча яқуний ҳужжатларида стратегик масала сифатида ўз аксини топмоқда. Бунда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ташаббус ва лойиҳаларнинг дастурлар асосида амалга оширилаётгани мазкур халқаро ҳамкор-лиқнинг бугунги долзарб аҳамиятини бел-гилаб бераяпти.



Тадбир

Миграция сиёсатини такомиллаштириш — давр талаби

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, чет давлатларда банд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Юртимизда миграция масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Миграция бўйича халқаро ташкилот (ИОМ)нинг сўнгги ҳисоботларига қўра ҳозирда жаҳон бўйлаб 285 миллиондан ортиқ кишилар муҳожири бўлиб, бу инсоният тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир. Уларнинг ўз ватанлари-га юбораётган пул ўтказмалари эса аксарият давлатларнинг иқтисодиёти учун хорижий инвестицияларнинг умумий миқдоридан ҳам бир неча бор салмоқли.

Кена Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида “МДХ ягона меҳнат бозорини шакллантириш доирасида миграция сиёсатини такомиллаштириш” мавзuida Ўзбекистон — Россия дав-ра суҳбати бўлиб ўтди.



ЁЗДА ЁТИНЧИНИНГ ТАШЛАМА, ҚИШДА ЎЗИНГ БИЛАСАН

■ Бугуннинг гапи

Куз келиб осмонга булут чикдимми, бас, ҳаёндан шу фикр ўтади: киш чилласи бу йил қандай бўларкин? Аслида совуқ сўзининг бети курсин, бу нарса одамзодга ёқмайди — совуқ хабар, совуқ гап ва яна... совуқнинг ўзи. Лекин истаймизми-йўқми, тез орада киш қиличини яланғочлаб келади. Биз бунга тайёرمизми?! Ҳамма гап ана шунда.

Бундан икки йил илгариги пойтахтимиздаги ҳолат — кўпчиликнинг хонадонидида етар-ли иссиқлик бўлмай бесаранжом қилган кунлар ёдимизда. Ўшанда Гидрометеорология хизмати агентлиги 15 январга-ча Ўзбекистон ҳудудига Россия-нинг Шимолий ҳудудларида шаклланган совуқ ҳаво массаси кириб келади, ҳаво ҳарорати кечалари 12 — 17 даража совуқ, баъзи жойларда 20 да-ражагача бўлади деганди. Ба-шоратчилар бу гал адашмади. Ўшанда аёз юртимизга қуондай

ёпирилиб келди, далаю даштни булдуруқ босди. 25 январь кун и электр тизимидаги йирик ава-рия, электрнинг беҳос ўчиб қолиши дард устига чипқон бўлди. Ҳатто электрдаги узилиш қўшни давлатларда ҳам куза-тилди. Мамлакатимиз пойтахти-да ҳам икки кун чироқ бўлмади, додингни кимга айтасан бундай маҳал, элга келган тўй-да дей-ишди кўпчилик. Масалан, Чи-лонзордаги кўплаб кўп қаватли уйлар музхонага айланди гўё. Кимдир қават-қават кўрпасини қор устига тўшаб, қўллаб ётоқ-хона қурди, кимдир қавердандир

эски резина топди-ю, уни ёқиб оиласи билан оловнинг атрофи-да тонг оттирди, яна кимдир...

Қишлоқларда аёзнинг кучи қан-дай бўлди дерсиз. Очиғи, совуқ кўпам сезилмади. Чунки улар кўмирда кул кўплигида чироқнинг мадори йўқлигига ўрганиб қолишган. Ўша печь, ўша ўтин, ўша гурунг... Фақат мактабларда йўқлама биров бўшашди холос. Бозорларда эса сараланган кўмир, ўтиннинг нархи икки карра кўтарилди. Мевали дарактлар ке-силди, тутзорлару саксовулзор-ларга кирон келди.



Фуқароларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси йўлида



“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун ҳам қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, ушбу қонуннинг қўлланиладиган соҳаси кенгайтирилиб, у солиқ, божхона, давлат назорати ва текшируви, фуқароларнинг пенсия таъминоти, ҳарбий рўйхатга олиш ҳамда ҳарбий хизматга қақриши, шахарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш каби тартиб-таомилларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, ушбу қонун юзасидан қўмита аъзолари ва экспертлари томонидан бир қатор тақлифлар билдирилди. Унда қонунни чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозимлиги қайд этилди.

Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида янги тахрирдаги “Шахарсозлик реновацияси тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИДА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи ва Европа парламенти вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Учрашув

Жумладан, Европа парламентининг Ҳуқуқий масалалар бўйича қўмитаси раиси Илхан Кючюк билан учрашувда икки томонлама сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бельгия Сенати аъзоси, “Бельгия — Ўзбекистон” дўстлик лигаси раиси Стефани Д’Оз билан суҳбат чоғида парламентлараро алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликни

Халқро анжуман

Ислохотларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тажрибаси қўриб чиқилди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида ўтказилган “Марказий Осиёда Иқтисодий ривожланиш учун самарали давлат бошқаруви” дастурининг учинчи халқаро конференциясида иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистондан 150 дан ортиқ экспертлар ва давлат органлари, таҳлилий марказлар, академик доиралар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Конференция сессиялари давомида давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши учун самарали сиёсатни шакллантиришга ёрдам берадиган маълумот ва тадқиқотлар муҳокама қилинди.

Далилларга асосланган қарорларни амалга ошириш мисоллари, шунингдек, ислохотларни мониторинг қилиш ва баҳолашга жалб этиш тажрибаси қўриб чиқилди. Хотин-қизлар учун тенг имкониятлар, инвестициялар ва иш ўринлари учун шароитлар яратиш, иқлим кун тартиби ҳамда аҳолининг заиф қатламлари ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, сенатор аёлларнинг иқтисодий жараёнларда иштирокига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш ва маълумотлардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган олтинчи сессияда қатнашди ва иштирокчиларга Ўзбекистонда тадбиркорликни бошлаш учун хотин-қизларга бериладиган имтиёз ҳамда имкониятлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Сессия доирасида Жаҳон банки ва Буюк Британия Таъши ишлар, ҳамдўстлик ва тараққиёт масалалари вазирлиги экспертлари томонидан Ўзбекистонда гендер тенглик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар эътироф этилди. Айниқса, Жаҳон банкининг сўнгги ҳисоботи натижаларига қўра, Ўзбекистон гендер сиёсати самарали юритилаётган “ТОП — 5” мамлакат қаторига киритилгани айtilди.

«Халқ сўзи».

циясини амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Реновация орқали эскирган, яшаш ва фойдаланиш учун яроқсиз деб топишган, авария ҳолатига келиб қолган уй-жой фондиди инсон яшashi ва фойдаланиши учун яроқли ҳолатга келтириш мақсади қўзланади. Бунда ҳудуд аҳолисининг ижтимоий ҳаётига жиддий таъсир қиладиган ҳолатлар бартараф этилади.

Реновация натижасида ҳар бир шаҳарда замонавий талабларга жавоб берадиган муҳандислик коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилма яратилади, энергия самарадорлиги кўрсаткичлари яхшиланади.

Сенаторлар муҳокама мобайнида “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти ҳақида ҳам фикр билдирди. Жумладан, мазкур қонуннинг қабул қилиниши унинг қоидалари бир хил қўлланилиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштириш зарурати юзга келаётганлиги қайд этилди.

Қонун суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш орқали суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратишга, электрон тижорат соҳасини такомиллаштиришга, электрон тижорат операторлари фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйишга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ривожлантириш истиқболлари қўриб чиқилди.

Европа парламенти депутаты Томас Здеховский билан учрашувда эса парламентлараро мулоқотни кенгайтириш, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Шунингдек, парламентларнинг ихтисослаштирилган қўмиталари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш орқали ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Дўстлик гуруҳлари аъзолари онлайн учрашди

Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан икки мамлакат парламентлари дўстлик гуруҳлари аъзоларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот

Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг изчил сазъ-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик даражасига кўтарилиб, барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

Учрашувда парламентлараро мулоқот жадаллашаётгани қайд этилди. Пар-

ламент назорати соҳасида тажриба алмашиш, ҳудудий вакилик органлари билан мулоқотларни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мулоқот давомида икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт ва ҳудудлараро ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Шериклик ва ҳамкорлик истиқболлари — эътибор марказида

Европа парламенти мезбонлигида “Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи: демократик ислохотларни ва гендер тенгликни илгари суришда парламентлараро мулоқотнинг роли” мавзусида тадбир ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Сўзга чиққанлар сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлашди. Хусусан, 2025 йил апрель ойида Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ўзаро ишончли мулоқотни янада мустаҳкамлаб, ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини очиб берди.

Ушбу жараёнда парламентлараро мулоқот муҳим ўрин тутаятгани, қонунчилик бўйича тажриба алмашиш, ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва халқлар ўртасида ўзаро тушунишни кучайтиришга хизмат қиляётгани алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбати давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш, ёшлар си-

Ўзбекистон — Покистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўзбекистон парламенти делегациясининг Покистон парламенти Сенати Раиси Юсуф Ризо Ғилоний билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

Мулоқотда сўнгги йилларда давлат раҳбарларининг ташаббуслари билан олиб борилаётган очик, конструктив ва ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўз навбатида, Юсуф Ризо Ғилоний Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошаётгани, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари бекиёс эканини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, у Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг шу йил февраль ойида Ўзбекистонга қўша муносабатларда янги саҳифа очганлигини, унинг доирасида ҳамкорлиқни ривожлантиришга

асос бўладиган бир нечта келишувларга эришилганини мамнуният билан таъкидлади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 80 та ҳужжатнинг, “Йўл харитаси” ва келишувларнинг вазирлик ва идоралар томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича қўша парламент назоратини йўлга қўйиш таклифини олқишлади.

Делегация аъзоларининг Панжоб вилояти парламенти Спикери вазифасини бажарувчи Иқбол Чаннар билан ҳам мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида И. Чаннар Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган сиёсатни олқишлаб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг тинчликни мустаҳкамлаш йўлида минтақада амалга оширилган ишлари ва халқаро майдонда илгари сураётган ташаббуслари диққатга сазоворлигини қайд этди.

Учрашувда томонлар пар-

ламентлараро алоқаларни ҳудудлараро даражада фаоллаштиришга тайёрилигини билдирди.

Ташриф доирасида Покистон Ислон Республикаси парламенти Миллий Ассамблеяси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида тузилган дўстлик гуруҳларининг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Унда юқори даражадаги келишувлар ихросини таъминлашда парламентларнинг ўрни, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик ва келгусидаги режалар ҳақида сўз юритилди.

Икки томонлама алоқаларда эришилган муайян натижалар эътироф қилинар экан, парламентлараро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, жумладан, парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, ўзаро ташрифлар алмашинувини давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда икки давлат ўртасидаги муносабат ва амалий

ҳамкорлиқни ҳар томонлама мустаҳкамлашда парламентлар имкониятларидан кенг фойдаланишга келишиб олинди.

Қонунчилик палатаси делегацияси Панжоб вилоятидаги бир қатор тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан ҳам танишди.

Бизнесс вакиллари Ўзбекистонда тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қамламли ислохотлар ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш учун яратилаётган шарт-шароитларни юқори баҳолаб, Ўзбекистонга келиши ва мамлакат бозорини ўрганиб, инвестиция киритишини қайд этди.

Учрашувлар самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

Қонунчилик палатаси делегацияси таркибида бўлган депутатлар ушбу ташрифнинг аҳамияти, унинг доирасида ўтказилган учрашувлар ва мулоқотлар ҳақида ўз фикрларини билдирди.

янада фаоллаштиришга туртки беради.

Чунки унинг доирасида барча соҳалардаги муносабатларни янги поғонага кўтаришда парламент имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги ҳамда парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолиятини жадаллаштириш ҳақида фикр алмашдик.

Бундай форматдаги учрашувлар нафақат дўстлик гуруҳлари ишини жонлантириш, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка оид қўша ташаббусларни биргаликда ишлаб чиқишга хизмат қиладди.

Наврўзёев ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Фаол мулоқотлар, самарали парламентлараро ва идоралараро алмашинувлар давом этмоқда.

Мамлакатларимиз парламентлари дўстлик гуруҳлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда юқори даражада эришилган келишувлар ва шартномаларнинг ихросини таъминлашда парламентарийларнинг ўрни муҳокама қилинди.

Ўйлайманки, бу нафақат парламентлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, балки қўша ташаббусларни амалга ошириш, икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Глобал экологик муаммолар ечимида муҳим ёндашув

Ўзбекистон бугунги глобализация шароитида минтақанинг энг экологик заиф бўлган ҳудудида жадал тараққиёт босқичини ўтаётган давлатдир. Шу сабабли БМТ платформасида инсоният келажаги ва тараққиётига ўта хавф солаётган глобал экологик муаммоларга қарши ҳамкорликда курашишнинг янги дипломатик ёндашувларини амалга ошириш мамлакатимиз ва минтақамиз учун алоҳида долзарблик касб этади.

Зеро, экологик муаммолар ижтимоий-ғоийвий ва ҳудудий чегара билмайди, уларнинг олдини олишда ягона самарали йўл дунё халқлари, барча миллат ва элатлар эътиборини табиат ҳамда жамиятдаги мутаносиблик, унинг кун сайин кескинлашиб бораётганлигига қаратиш лозим. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йўбилей сессиясидаги нутқи том маънода, моҳияти ва вазифаси жиҳатдан муҳим тарихий аҳамиятга моликдир.

Бугун Ўзбекистон томонидан халқаро минбараздан билдирилган ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда, эътироф этилмоқда. Жумладан, яқин йилларда давлатимиз раҳбарининг атраф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги ташаббусларини доирасида БМТнинг 5 та махсус резолюцияси қабул қилинди. Улар ҳозирда тегишли муаммоларни тизимли ва самарали ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари шароитида мамлакатимизда экология масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу соҳада олиб борилаётган сазъ-ҳаракатларимиз дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда.

Бироқ бугунги умумбашарий

иқлим ўзгаришлари таъсири даражасидан ортда қолмаслик мақсадида соҳада ислохотларни янада жадаллаштириш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, экологик сиёсатни амалга оширишда “ортда қолмас” тамойиллар асосида мутлақо янгича ёндашувларни, халқаро ҳамкорлиқни янада юқори даражага олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Давлат раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон БМТ тузилмалари билан минтақада қатор янги лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқариш таклифини илгари сурди. Ҳозирда янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланганлиги, минтақа ўзининг ҳамжиҳатлиги, барқарорлиги, ўзига хослиги билан халқаро муносабатлар тизимида алоҳида субъект сифатида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётгани эътироф этилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир резолюциясини ишлаб чиқиш таклифи ҳам эътиборга молик, албатта. Мазкур халқаро ҳужжатнинг қабул қилиниши, ўз навбатида, минтақада бу борада амалга оширилаётган сазъ-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиладди.

Шунингдек, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлиги давлат раҳбари томонидан яна бир бор эслатиб ўтилди. Ҳозирда Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича ишлар изчил давом эттирилаётганлиги, қиска йилларда денгизнинг қуриган тубида 2 млн. гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилган-

лиги ҳамда 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоиз қисмида яшил қопламалар ҳосил қилиниши таъкидланди. Амалга оширилган мазкур ишлар натижалари нафақат Ўзбекистоннинг миллий, балки минтақа давлатлари манфаатлари учун ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг долзарб ва устувор йўналишларидан бири — сув ресурслари масаласи. Шу сабабли мамлакатимиз раҳбари минтақада сув ресурсларининг тақчиллиги ҳақида тўхталар экан, ҳозирда дунё аҳолисининг икки миллиарддан ортиқ тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини таъкидлаб ўтди. БМТ билан биргаликда Ўзбекистонда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди. Мазкур анжуман якунлари бўйича Сув иққирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш мўлжалланмоқда.

Бу борада глобал даражада инновация технологияларини жорий этиш учун алоҳида “Йўл харитаси”нинг қабул қилиниши мазкур масалада сазъ-ҳаракатларни тизимли ва самарали амалга ошириш имкониятларини яратди. Шубҳасиз, режалаштирилаётган халқаро анжуман, ўз навбатида, мазкур соҳани янада ривожлантиришда халқаро миқёсда тажриба алмашиш платформаси вазифасини ўтади.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йўбилей сессиясида илгари сурган ташаббуслари нафақат мамлакатимиз, балки минтақа давлатларининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга хизмат қиладди.

Моҳиора ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Қозоғистонда МДХга аъзо давлатлар сайлов органлари раҳбарлари Маслаҳат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ҲАР БИР ЯНГИ ТАШАББУС

халқаро ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган ғоялар яратувчиси сифатидаги интилишни намоёиш этади

Жамоатчиликнинг Ўзбекистондаги атроф-муҳит ҳолати тўғрисидаги хабардорлигини ошириш мақсадида, “UNEP” экспертлари кўмагида Миллий экологик ҳисобот ишлаб чиқилди. Ушбу ҳисоботда атроф-муҳит ҳолати ва иқлим ўзгаришига таъсир кўрсатаётган омиллар баҳоланган.

“Замин” халқаро жамоат фонди “UNEP” ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган яна бир лойиҳа ҳавонинг ифлосланишини аниқлаш бўйича автоматлаштирилган мониторинг олиб боришга қаратилган. Ушбу доирада мамлакат бўйлаб 63 та мониторинг станциясини ўрнатиш ва марказлаштирилган таҳлилий идорани яратиш режалаштирилмоқда.

Қайд этилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатда долзарб экологик дастурларни, жумладан, Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини уюштиришга қаратилган истиқболли режаларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Иқлимий миграция масалаларида аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, давлат раҳбари кенг ҳамровли халқаро ҳамкорликни назарда tutувчи Глобал пактни қабул қилиш тақдирини билдиргани мутлақо ўринли бўлиб, бу тақдир кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон Хитой билан иқлим ўзгаришлари таҳдидларини қамайштириш ва аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳасига салбий таъсирларини енгиллаштириш борасида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

“Марказий Осиё — Хитой” фор-

мати доирасида Нинся-Хуэй автоном худудида барпо этилаётган Қумлашувга қарши кураш маркази доирасида қўшма фаолият тўғрисидаги қарор буни аниқ ифодалайди.

Лю СЮЙ,
Хитой халқ университети ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё маркази директори ўринбосари:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-йигилишидаги нутқида барқарор ривожланиш дастурлари аниқ акс эттирилган, минтақавий хавфсизлик, иқлим ўзгариши билан курашиш, шунингдек, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Хитой томони бугунги кунда тез ўзгараётган, мураккаб глобал муҳитда ашаётганлигимиз ҳақидаги қарашларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон етакчилисининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ва “ШХТ плюс” учрашувидаги сўнгги иштирокини таҳлил қилганда, унинг чиқишлари ҳар доим дунёда юзага келаётган мураккаб жараёнларни аниқ ва чуқур баҳолаши ҳамда амалий, аниқ тақдирларга эга бўлиши билан ажралиб туришини кўраимиз.

Расмий Тошкентнинг ҳар бир янги ташаббуси халқаро ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган ғоялар яратувчиси сифатида унинг интилишини намоёиш этади.

Яқинда мен Хитойнинг “Diplomat” нашрида чоп этилган

“Ресурслар ўрнига инновациялар ва ғоялар: Ўзбекистон ёшларининг мамлакатнинг глобал имижини шакллантириши” сарлавҳали мақолани ўқиб чикдим.

Эътиборлиси, Президент Шавкат Мирзиёев ёшларга оид масалаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон миқёсида рақобатбардosh бўлган ёш мутахассисларсиз барқарор иқтисодиёт куриш ёки самарали халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконсиздир.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон етакчилисининг тақлифи — “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини мамлакатингизда жойлаштириш тақдирини яқдл қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Гао ВЭЙЧЖУН,
Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича давлат қўмитаси ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик маркази директори:



— Президент Шавкат Мирзиёев нутқида соғлиқни сақлаш масалаларига, хусусан, онкологик касалликлар каби долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хитой Раиси Си Цзиньпин 1 сентябрь куни Тяньцзинда ўтган “ШХТ плюс” форматигади йигилишда кейинги беш йил давомида Хитой томони ШХТ давлатлари учун 10 мингта саратонни скрининг қилиш амалиётларини ўтказишга тайёрлигини билдирди.

Бу давлатларимизда соғлиқни

сақлаш соҳасидаги умумий устувор йўналишларни яққол кўрсатади.

Ташкилотимиз Ўзбекистоннинг тегишли тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда касалликларни даволаш бўйича қўшма дастурларни фаол амалга оширяпти.

Шу муносабат билан БМТ Бош Ассамблеяси доирасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол қўллаб-қувватлаши остида ўтказилиши режалаштирилган болалар онкологияси масалаларига бағишланган махсус тадбир ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

Чу ЛИ,
Пекин халқаро маданият ва савдо ассоциацияси ижрочи раиси:



— БМТнинг нуфузли минбаридан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатнинг камбағалликка қарши курашишдаги ютуқларини алоҳида таъкидлади. Сўнгги кунларда Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари — “Синьхуа” ахборот агентлиги, “Жэньмин жибао” газетаси, “Китай” ва “CGTN” телеканалларида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманганда бўлиб ўтган “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форумининг очилиш маросимидаги нутқи кенг ёритилди.

Қувонарлиси, Ўзбекистон ва Хитой доимий стратегик шериклар сифатида ўзаро манфаатли барча йўналишларда, хусусан, камбағалликни қисқартириш масаласида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИДА НАВБАТДАГИ ҚАДАМ

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросим

Академия давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ташкил этилди. Бу, айтиш мумкинки, суд тизими учун юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада тақомиллаштириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали судьялар корпусини шакллантиришнинг янги даврини бошлаб берди. Ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, интерфаол ўқитиш услублари ва илгор ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш орқали уларда касбий ва маданий кўникмаларни шакллантириш академия фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Шунингдек, суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш ва судьялар малакасини оширишга ихтисослаштирилган хорижий таълим ҳамда ил-

мий-тадқиқот ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам мазкур ихтисослаштирилган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг асосий вазифалари сифатида белгиланган.

Очилиш маросимида Туркия, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон ва Озарбайжон давлатларининг судьялар таълими халқаро вакиллари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари ва уларнинг амалий натижалари эътироф этилди. Янги ташкил қилинган академияда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишилди.

Таъкидлаш керак, 2025/2026 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг касбий қайта тайёрлаш ўқув курсларига 164 нафар тингловчи қабул қилинган бўлиб, улар жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ҳамда маъмурий ва иқтисодий ҳуқуқ йўналишлари бўйича таҳсил олмақда.

Ушбу янги академиянинг фаолият бошлаши одил судлов сифатини ошириш ҳамда ҳақиқат ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлида хизмат қилувчи, ҳар томонлама етуқ ва замонавий фикрловчи судьялар авлодини тайёрлаш учун муҳим мактаб бўлиб хизмат қилади.

Қамола ЮСУПОВА,
ЎЗА мухбири.

Чемпионга муносиб тўхфа

Гулханой ая набираси Айтжанни спорт машғулотига олиб борганида у қийналиб қолмасмикан, дея ўйлаган, ҳатто, тўққиз яшар болага ачинган эди. Ахир бирон жойи лат еб, жони оғриса-чи?! Мевасидан мағзи ширин, деб шуни айтади-да.

Офарин!

Бироқ энди ўша кунлар, бундай ҳавотирларнинг барчаси ортда қолди. Гулханой ая Тошкент вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшон шаҳридаги янги кўп қаватли уйларнинг бири — Президент совғаси сифатида тақдим этилган ўз хонали уйда бир пилла иссиқ чойни ҳўплаганида, ҳаммаси унут бўлди.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Янгилик маҳалласида яшовчи Айтжан Халмаханов 2010 йилдан бери устози Воҳид Темиров мураббийлигида спортнинг юнон-рум кураши билан мунтазам шугулланиб келади. У шу спорт тури бўйича “Халқаро тоғдадаги спорт устаси” макониға ҳам эришган. Бу азамат йилгит 2018 йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида мамлакатимиз шарафини халқаро миқёсда муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Ўзбекистон чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этаётган спортчи шу пайтга қадар ўз вазн тоифасида жами 10 марта, шундан 3 бора совриндор ва 7 марта мутлақ ғолиб бўлиб, мамлакат чемпиони сифатида эътироф этилган.

Айтжан 2022 йил Италияда 17 ёшли ўсимилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллаб, жаҳон чемпиони бўлган эди. Ун икки йил мобайнида машғулот ва мусобақаларда тобланган профессионал спортчи ўзини Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилишга руҳан тайёр, деб ҳисобларди. Эндиликда Гулханой ая ҳам набирасига ишонар, унинг ҳар бир ютуғидан қувонар, ойнаи жаҳон орқали мусобақаларни ҳажжон билан томоша қиларди.

Шу йилнинг баҳорида Иорданияда катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Айтжан Халмаханов муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликка эришди. Жорий йилнинг 17 — 24 август кунлари Болгариянинг



Самоков шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юрдошимиз барча рақиблардан устун келиб, 1-ўринни эгаллади. Ўзбекистон жаҳон чемпиони шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, юртимиз байроғи баланд кўтарилди.

Яқинда Ўрта чирчиқлик чемпиони йигит Ўзбекистон терма жамоаси сафида Хорватиянинг Загреб шаҳрида ўтказилаётган навбатдаги жаҳон чемпионатиға йўл олди. У 63 килограммгага вазн тоифасида майдонга тушиб, ғолиб бўлиш учун курашди.

Ҳамюртимиз мусобақанинг юнон-рум кураши баҳсларида муносиб иштирок этиб, йигирма тўрт йиллик таънаффусдан сўнг ушбу спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлган биринчи полковникимизға айланди. Айтжан Халмаханов Жанубий корейлик рақиб Чунг Хан-Жаени финалда мағлуб этиб, шохсупга кўтарилди.

— Ҳаётимда бахтли лаҳзалар жуда кўп бўлган, аммо буви учун набирасининг ютуғидан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди жаҳон чемпионининг бувиси Гулханой ая. — Унинг бу галабаси тинимсиз меҳнат, мураббийларнинг ўғити ва албатта, юртимизда спорт ҳамда спортчиларга яратилган шароит ва имконият самараси, деб биламан.

Айтжан Халмахановнинг спортда эришган ютуғи, қолаверса, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, унинг доғруғига доғруқ қўшгани эътироф

Хитой Раиси ташаббуси билан Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси таркибида Камбағалликни қисқартириш бўйича қўйи қўмита ташкил этилган бўлиб, ҳозирға қадар унинг икки маротаба йиғилиши ўтказилди.

Бугунги кунда Хитой ҳукумати билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда ва муайян ютуқларға эришилмоқда. 10 мингдан ортиқ ўзбек мутахассислари Хитойнинг камбағалликни қисқартириш соҳасидаги илгор тажрибасини ўрганиш бўйича малака ошириш амалиётида иштирок этди. Мўҳими, бу тажриба Ўзбекистон шароитига, иқтисодий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мослаштирилмоқда.

Ўзбекистон раҳбари томонидан 2030 йилға қадар жамиятда камбағалликни максимал даражада қамайтириш мақсадиға эришишда Хитой тажрибаси етакчи ўрин тутишиға ишонаман.

Шунингдек, туризм иқтисодий ривожланишининг асосий катализаторларидан бири ва барқарор ривожланишға эришиш учун самарали воситадир.

Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам сайёҳларни жалб этиш бўйича катта ишлар амалға оширилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида визасиз режим эълон қилингандан сўнг, машҳур Хитой сайёҳлик платформаларида Ўзбекистонға чипта сўровлари кўпайди. Фақатгина 2025 йилнинг биринчи етти ойда Хитой фуқароларининг Ўзбекистонға таширлари бир неча баробар ошди. Бу борада “Хитойда Ўзбекистон туризми йили” доирасида шаҳарлар ва вилоятларда ўтказилган “Роуд шоу” тадбирлари муҳим роль ўйнади.

Йиначим қомилки, Ўзбекистоннинг Хитой сайёҳлари орасидаги машҳурлиғи бундан кейин ҳам ошиб бораверади.

«Дунё» АА.
Пекин

БУХОРО ТОМОНЛАРДА

Фермернинг камёб қуёш электр станцияси

Қоровулбозор туманидаги “Замир Амон” фермер хўжалиғи камёб кичик қуёш электр станциясига эға бўлди. Бунинг учун 160 миллион сўм сарфланди.



Мамлакатда муқобили йўқлиғи айтилаётган ушбу станциянинг афзаллиғи шундаки, унда тўпланган энергияни 18 соат муддатға захира қиладиган махсус ускуна мавжуд. 45 киловатт-соат қувватға эға, 3 та батареяли ускуна Тошкентдаги “MUVA NEV MATERIALS” масъулияти чекланган жамияти томонидан хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда ўрнатилди.

Кичик қуёш электр станциясининг қулайлиғи бу билан чекланиб қолмайди. Ундан электр энергияси таъминотини йўлга қўйиш мушкул бўлган чўл шароитида, яйловларда, сув насосларини ишлатишда фойдаланиш мумкин. Томчилатиб сўғориш технологиясини қўллашда, шунингдек, тармоқда узилишлар кузатилаётган жойларда ҳам у асқатади. Эҳтиёждан ортиқча энергияни сотиш ҳам мумкин.

Шу боис ҳам кичик станциянинг ишлаш жараёни билан танишган вилоят масъуллари бу технологиядан нафақат қишлоқ хўжалиғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш зарурлиғига эътиборни қаратади.

Жондорда гастронимик кўча барпо этилмоқда

Хорижий давлатлардан бириға йўл олишдан аввал сайёҳ ўша мамлакатнинг миллий таомлари, пазандачилиғи билан қизиқиши тайин. Бу табиий ҳол саналади. Шунини инобатға олган ҳолда Жондор тумани марказидаги Маҳмуд Торобий кўчаси гастронимик гўшаға айланмоқда.

— Юртимиз миллий таомлари билан ҳам доғ қозонган, — дейди жондорлик ҳамкасбимиз И. Хайдаров. — Қўли ширин ошпазларимиз томонидан тайёрланаётган софи ошу қабоб, балиғу сомсалар чет эллик меҳмонларнинг таҳсинига сазовор бўляпти. Қолаверса, туманимизда олис ўтмишдан ҳикоялар сўзловчи қўҳна манзиллар бор. Қадимий Варахша шаҳри харобалари, Қиз-биби қадмажоси, Маҳмуд Торобий билан боғлиқ масканларни томоша қилгани сайёҳлар тез-тез келишади. Уларға бўлғуси гастронимик кўча воситасида сифатли хизмат кўрсатилади, албатта.

Гастронимик кўча маҳаллий бюджет учун ҳам қўшимча даромад манбаи вазифасини ўтайди. Гап шундаки, мутахассислар фикрича, сайёҳлар ўз харажатларининг тахминан 30 фоизини овқатланишға сарфлашади. Қолаверса, мазали таомлар уларнинг таширф кунларини узайтириши ҳам мумкин.

Айтмоқчи, барпо этилаётган кўнгилочар маскан туну кун фаолият кўрсатади. Қуёш панелли ёритқичлар, равонгига пиедалар йўлағи, соябонлар, ўриндиқлар, шинам ошоналар — буларнинг барчаси меҳмонларнинг миллий таомлардан тановул қилиб, кўнгилли хордиқ чиқаришиға имкон беради.

Гастронимик кўча шарофати билан хизмат кўрсатиш соҳасида юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлайди.

Ёшларға — ибрат, устозларға — муқофот

Ҳар қандай инсон ўзи ўқиган мактаб, хат-саводини чиқарган муаллимларни тез-тез эслайди, болалиқнинг ширин хотираларини унутмайди. Бундай туйғу тадбиркорлик ортидан эл-юртда обрў орттирган Насриддин Сувоновға ҳам тинчлик бермади. “Жонажон мактабим учун бир хайрли иш қиламан”, деган ниятни дилиға тугди.



Мақсадиға етди ҳам — Қорақўл туманидаги Маллаишайх маҳалласида ўсиб-улғайган бу юрдошимиз ўзи таҳсил олган 20-умумтаълим мактабининг биносини мукаммал таъмирлаб берди. Ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган, таъмирталаб аҳволға тушган бинони шу кўн талабларига жавоб берадиган замонавий қўёфаға қелтириш учун у ўз ҳисобидан 1 млрд. 200 млн. сўм миқдорда маблағ сарфлади. 210 ўқувчи ўрниға эға шинам иншоотда эндиликда ўқув самарадорлигини янада ошириш имконияти, ўқувчиларнинг тўлақонли билим олиши учун зарур шарт-шароитлар бор. Дейлик, хориждан келтирилган парталар ўқувчиларнинг ёшиға мос тарзда соэланади. Бу каби қулайликлардан педагоглар ҳам мамнун.

— Билим даргоҳимиздан Насриддин Сувоновға ўхшаган ақл-заковатли, маърифатпарвар, дунёқарашни кенг қўллаб шогирдлар еттишиб чиққан. Улар билан фахрланамиз, — дейди кекса педагог Сотиболди Сойибов. — Собик ўқувчиларимизнинг эл орасида обрў-эътибор топиб, юртимизға қайишгаётганидан кўнглимиз равшан тортади. Тадбиркор шогирдимизға келсак, унинг бу эзгу амали ёшларға ибрат, устозлар учун эса муқофотдир.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Дил сўзи

ЮКСАК ЭЪТИРОФ ВА КЕНГ ИМКОНиятлар

Жорий йил ўқитувчи, мураббий ва устозларимиз учун ёрқин ҳамда қувончларга бой бўлди. Мамлакатимизда таълим соҳасига кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрлик туфайли фаолиятимизда янги саҳифалар очилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қутлуғ айёмида фидойи ҳамкасбларимизга йўлланган самимий табриги ҳар бир педагогнинг қалбига катта умид ва ишонч уйғотди. Касбий меҳнатга муҳаббатни янада кучайтирди.

“Билимдон устоз — 2025” каби нуфузли олимпиадаларнинг ташкил этилиши ўқитувчиларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди. Бу танловларда ғолиб бўлиш нафақат шахсий ютуқ, балки Ватанимизнинг маънавий келажаги учун энг шарафли хизматлигига юракдан ҳис қилдик. Мазкур олимпиаданинг вилоят босқичида ғолиблар қаторидан ўрин олганим нафақат мактаб жамоаси, бўлажак ёш ўқитувчиларга ҳам катта ғурур бағишлади.

Президентимиз томонидан устозлар учун яратилган янги имкониятлар, имтиёзлар ва қўллаб-қувватлашлар меҳнатимизга берилган энг юксак рағбатдир. Ахир ўқитувчи эъзозланган юртда маънавият юксалади. Ҳар бир соҳада янгиланishлар кузатилади. Бундай юксак эътибор ва қадрлаш янги Ўзбекистоннинг мустақил ва баркамол авлодини тарбиялашда барчамиз-

нинг масъулиятимиз қанчалик юксаклигини англатади. Ушбу чексиз эътибор ва ишончдан миннатдоримиз. Баркамол авлод тарбияси йўлида барча шарт-шароит яратилаётгани биз устозларга қувват бағишламоқда. Ўқитувчиларни рағбатлантириш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш йўналишидаги ислохотлар устозларни бирлаштириб, касбий маҳоратни юксалтиришга ёрдам беради. Ўзaro тажриба алмашиш ва ҳамжihatлиқни кучайтириб, таълим тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Ишончимиз қомилки, биргаликда эришиладиган ҳар бир ютуқ — Ватанимиз фаровонлиги йўлида муҳим қадам бўлади.

Элёр МЕЛИБОВ,
Денов туманидаги
108-мактаб ўқитувчиси,
Сўрхондарё вилояти

ЙЎЛ ҚУРГАН МУРОДИГА ЕТАР

Орамизда шундай инсонлар борки, улар нафақат ўз касбининг моҳир устаси, балки намунали ҳаёти, инсонпарварлиги ва камтарона феъл-атвори билан ҳам барчамизга ибратдир. Уларни фидойилик, ҳалол меҳнат ва сабр-матонат шундай юксак даражага кўтарган.

Фидойилик

Йўлсозлик соҳасида юз минглаб юртдошларимизнинг дуосини олаётган Андижон вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси механизатори Тожиддин Тошматов ана шундай касб эгаларидан биридир.

Тожиддин ака қариб йрим асрдан буён механизатор сифатида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбининг устаси бўлгани учун ҳам ҳаёти давомида турли соҳаларда ишлади. Унинг меҳнати фақат техника ҳайдаш билан чекланиб қолмади. Ўзи ҳам йўлсозларга қўшилиб ҳалол ишлади, топшириқларни виждонан бажариб ўз касбининг обрўсини кўтарди. Устоз деб эътиҳдан тутган ёшлар ҳам унинг эзгу фазилатларини ўзлаштириб келмоқда. Ҳамкасблари уни доимо маслаҳатчи ва устоз сифатида эъзозлайди.

— Йўл қуриш техникасини маҳорат билан ўрганган мутахассислар кам. Тожиддин ака билан ишлаганлар асло чарчамайди. Доим янги гоёлар билан юради, — дейди Андижон вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси ходими Юлдузхон Маллабоева. — Касбининг сир-асроридан тортиб, машаққатларигача ёшларга сабр билан ўргатади. Камтарлик, ҳалоллик, сабр ва меҳрнинг асосий дарсидир.

Богбондан бог, яхши муаллимдан билимли шогирд, йўлсозлардан эса текис ва раво йўллар қолади. Манзилиминизни яқин қиладиган йўлсозларнинг меҳнати улуг. Йўловчилардан тортиб ҳайдовчиларгача бу йўللардан ўтаётганда йўлсозларнинг машаққатли меҳнатига тана берилмади. Ахир дарёлар, тоғлар ёнбағридан, адирлару қия тепаликлар ёнидан ўтаётган янги йўллари қуришининг ўзи бўладими?

Тожиддин аканинг изи юртимизда барпо этилган юзлаб километр йўллар, минглаб шогирдлар ва энг муҳими, ибратли ҳаётидир. Президентимиз Фармонига кўра “Дўстлик” ордени билан тақдирланиши ҳам Тожиддин Тошматов меҳнатига берилган юксак баҳоқдир.

— Механизаторлик касбини ардоқлаб кам бўлмадим, — дейди у. — Эл-юртга нафим теғди, юрт равнақига ҳисса қўшдим. Орзуимдаги йўллари қуриб муродимга етдим. Ёнг асосийси, инсон қадри улуғланган, меҳнати қадрланган юртда яшайман. Бундан фахрланаман!

Аслида ҳам инсон учун энг катта бахт ўз фаолиятидан қўнгли тўлиб яшаш саодатидир.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



Ғолиб БАХРОМОВ
(«Халқ сўзи»).



сида эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбари 2021 йилда шундай деганди: “Қанчалик қийин бўлмасин, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. 2025 йилга бориб, олий тоифали ўқитувчиларнинг ойлик маошини эквивалент ҳисобида 1000 долларга етказиш чоралари қўрилади”.

Дарҳақиқат, малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга ўндан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8 — 12 миллион сўм маош олмақда. Ҳатто айрим ўқитувчилар 20 миллион сўм маош олаётгани ҳам аини ҳақиқат.

Бу каби рағбатлар, аввало, таълим соҳасининг ривожига сабаб бўлади. Ўқитувчиларни ўз устида тинмай ишлашга хизмат қилади. Ва бу моддий-маънавий рағбат муаллимнинг шахсий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатади. Оила-сида бахт ва хотиржамлик топган киши эл хизматига маҳкамроқ бел боғлаши мумкин.

— Аттестация имтиҳонида 86 дан юқори балл тўпладим. Олий ва бериичи тоифали ўқитувчилар учун берилдиган 70 фоиз ҳамда бир нечта халқаро сертификатлар эгаси бўлганим учун яна 50 фоиз, жами 120 фоизлик устам олапман, — дейди Қарши шаҳридаги 49-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Ҳасан Яллаев. — Ўқитувчилик — ҳаётимнинг мазмуни. Ҳозирда мингга яқин ўқувчиларни миллий ва халқаро тоифадаги сертификатларни қўлга киритди, олий таълим муассасаларининг талабалари бўлди. Шогирдларнинг эришган ютуқларини қўришнинг ўзи катта бахт! Ҳалол меҳнат ортидан шинам уй-жой, машина олдим. Ёнг муҳими, фарзандларим соғ-саломат, яхши таълим-тарбия олиши учун кераклик барча шароит мўҳайё.

Ҳеч ким ўз-ўзидан тайёр мутахассис, етуқ шахсга айланиб қолмайди. Агар ишининг устаси бўлиб етишган, феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари, ахлоқи, инсоний фазилатлари билан кўзга қўринган, ҳаётда ўз ўрнини топган, энг муҳими, эл қорига яраётган бирор кишини кўрсангиз, билингки, у ана шу даражага етгунга қадар не бир машаққатли йўллар босиб ўтилган. Аввало, уни дунёга келтириб, парварши қилган ота-онанинг меҳнатини ҳеч қайси мезон билан ўлчаб бўлмайди. Вақти келиб улар фарзандини яна бир ишончли қўлга — устозга топширади. Биладими, устоз фарзандига ота-онаси ҳам бера олмайдиган энг афзал, энг бебаҳо неъмат — илм-маърифатни тутқазади. Зеро, жамиятнинг жамиятлардан илгарилатган, инсонсини бошқа инсонлардан кўра юксакроқ даражаларга кўтарган нарса — илм-фан, таълим ва тарбиядир.

мондан бу касбга нисбатан қизиқиш меҳр ортаётганини ҳам кўрсатиб турибди.

— Ўқитувчилик касбини танлаётган ёшлар учун имкониятлар катта, — дейди Бухоро давлат техника университети ректори Садоқат Сиддиқова. — Президентимиз шу йил 10 сентябрь кунин педагогика йўналишидаги ОТМ-да таҳсил олаётган, илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда академик ўзлаштиришда юқори кўрсаткичлар қайд этган иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Фармон имзолади. Унга кўра, педагогика йўналиши талабалари учун Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси берилади. Мазкур стипендия педагогика йўналишидаги ҳар бир ОТМнинг бакалаврият босқичида таҳсил олаётган охириги икки курс талабаларидан 1 нафарига тайинланади. Стипендия миқдори 1 461 028 сўмини ташкил этади. Бу одатдаги стипендиядан 839 572 сўмга кўп.

Ёдингизда бўлса, шу йил 26 августда Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик синфларни ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи қабул қилинганди. Унга кўра, жорий ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистондаги айрим умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитувчилик касбига қизиққан 10 ва 11-синф ўқувчилари учун педагогик синфлар ташкил этилмоқда. Бундай синфлар шакллантирилган умумий ўрта таълим муассасаларида дарс машғулотларини олиб бориш учун маҳаллий педагогика олий таълим ташкилотларидан 2 нафардан профессор-ўқитувчи масъул қилинади. Педагогик синфларни тामонлаган битирувчиларга мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи ёрдамчиси касби бўйича ишлаш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги сертификат тақдим этилади.

— Муаллими бўламан деган ёшлар учун йўл равои, эшиклар очик, — дейди Чилонзор туманидаги 138-мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Майрам Расулова. — Ёшларнинг зиммасига тушадигани эса ўқиш, ўрганиш, касб силарини пухта эгаллаш. Бундан ўн йиллар муқаддам маоши камлигидан мактабни ташлаб, савдога қўл урган, яқинда эса яна мактабга қайтган ҳамкасбим: “Боаларни соғинган эканман, ўзимни денгизга қайтган балиқдек ҳис этапман. Тўғри, бизнесга қўл уриб яхши маблағ топгандирман, аммо устозликнинг завқи, ўрни ўзгача!” деди.

Ҳақ рости, муаллимлик илмга ташна, меҳрибон, юртга муҳаббатли қўнғиллар учун! Ўз маслагини севган зукко устозгина шогирдлар қалбини забт эта олади. Юртини, халқини ардоқлаган педагог шу юртининг равнақига хизмат қиладиган ёшларни тарбиялаш учун чарчок билмай ишлайди. Умуман, муаллими қандай бўлиши кераклиги ҳақида қўллаб-қўлланган олиб борилган, сўровномалар ўтказилган, китоблар ёзилган. Бу ҳақда тўпланган барча фикрларнинг қаймоғи шуки, устоздан талаб қилинадиган энг асосий сифат — меҳр ва бағрикенглик, ўзидеги эзгуликни ёшларга юқитири олишидир.

Моддий рағбат — маънавий қувват

Ўз навбатида, устоз-мураббийлар ҳам ҳаммадан қўп ҳурматга, меҳру муҳаббатга лойиқ! Шу маънода, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини қадрлаш, шаънини кўтаришга давлат сиёсати даража-

...Шу қўнларда мамлакат бўйлаб яна бир улғу айём — Ўқитувчи ва мураббийлар кунин шукр қилиб юрибди. Эрталабдан боғчага шошган болакайлардан тортиб, мактаб партасига ўтирган ўқувчилару олий даргоҳларда таълим олаётган толиби илмларнинг қўзғалғанда устозларига нисбатан чексиз меҳр балқиб турибди. Устоз умид билан эккан бу нихоллар кўкка бўй қўзиб, вақт келиб азим чинорларга айланажак. Зеро, Президентимиз табригида таъкидлангандек, юртимиз тарихидаги икки буюк Ренессансини яратган улғу мутафаккир ва аллома-ларни ҳам ўз вақтида ўқитувчи ва муаллимлар тарбиялаб вояга етказган.

Билим ва маҳорат — асосий мезон

Бугуннинг ўқитувчиси яратилган шароитларга яраша билимдон бўлиши зарур. Лекин ўқитувчи ўз устида ишлашига вақт бўлганмиди шу пайтгача? Вақти бўлса, малака ва маҳоратини ошириш учун имкони-чи?

— Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида “Ёнг асосийси — ўқитувчи ва устозлик касбининг обрўси ва нуфузини кескин оширишга ҳал қилувчи масала сифатида қарамоқдамиз. Педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқаро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни тақлиф этамиз”, дея халқаро минбардан таълим ва муаллимлар ҳақида гапирди, — дейди Тошкент вилояти педагогик маҳорат маркази тиларни ўқитиш методикаси кафедраси мудирин Назоқат Душаева.

Дарҳақиқат, кундан-кунга янгиланиб бораётган замонавий дунёда тажриба алмашиш, муаллимлар малака ва маҳоратини ошириб боришни даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Тошкент вилоятидаги педагогик маҳорат марказида ИХТИСОСлаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларини узлуқсиз касбий ривожлантириш, уларнинг малакасини ошириш курслари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиб келинмоқда.

Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича фаолият олиб бораётган Абдулла Авлоний номидаги педагогик

натижаларига кўра 2017 йили ўртача балл 63.2 ни кўрсатган бўлса, 2025 йилга келиб 80.9 баллга ўсди. 200 га яқин битирувчилар “Harvard University”, “California Institute of technology”, “Princeton” каби дунё рейтингига “ТОП — 100”-талиқдаги олийгоҳларга ўқишга қабул қилингани ёшларимизнинг салоҳиятда дунё билан бўйлашаётганидан далолат.

2016 йилгача олийгоҳларда қабул 66 минг атрофида бўлган бўлса, 2025 йилда бу рақам 671 мингдан ошиб кетди. Ушбу талабаларнинг каттагина қисми педагоглар бўлиб етилиши аниқ. Зеро, юртимизда таълимга қизиқиш, талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тарихида илк бор “QS”, “Times Higher Education”, “GreenMetric” рейтингларига кирди. Чет эл билан қўшма факультетлар ва қўшма диплом дастурлари ташкил этилди.

Ҳатто олис тоғ ҳудудларидаги 150 та мактаб ўқувчилари учун автобус қатнови йўлга қўйилгани ҳам юртимизда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар инсонпарвар эканини кўрсатиб турибди.

Очиги, кейинги йилларда қилинган ишларга назар солинса, кечагина биз учун ҳаёл бўлган орзулар бугун ҳаётимизнинг бир бўлагига айланаётганини кўрамыз, эришилган ютуқлардан беҳити-рўв фахрланамиз. Илгари мактаб битирувчилари олийгоҳларга ҳужжат топшириш учун неча кўнаб сарсон бўларди. Ўзининг туғилиб ўсган жойидан узоқларга ўқишга мажбур эди. Бугун ҳар бир вилоятда олийгоҳлар, нодавлат олий таълим муассасалари фаолият кўрсатаётгани шу саргардонликларга чек қўйди.



маҳорат миллий институти ҳам тубдан янгиланди. Унда 200 ўринли янги ўқув биноси қўрилди, 1120 ўринли меҳмонхона ташкил этилди. 440 ўринли мавжуд ўқув бинолари тўлиқ таъмирланди. Ахборот-ресурс маркази 87 мингдан ортиқ китоблар фонди билан фаолият бошлади. “STEAM” лабораторияси биноси қуриб битказилди. Абдулла Авлоний музейи очилди.

Буларнинг барчаси муаллимлар ва улар сабоқ бераётган ёш авлод истиқболини учун. Ўзининг ўйланг, мактабгача таълим муассасасидан тортиб, умумий ўрта, сўнг олий таълим босқичларида биргина бола учун 15 — 20 йиллаб вақт, куч, маблағ ва меҳнат сарфланади. Мана шу сазай-ҳаракатларнинг натижаси, шубҳасиз, маҳоратли, билимдон педагогларга боғлиқ.

Кеча ҳаёл эди, бугун ҳақиқат

Таълим тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз мевасини бермоқда. Жумладан, халқаро фан олимпиадаларида ёшларимиз томонидан қўлга киритилган медаллар жорий йилда 195 тани ташкил этди. Кейинги саккиз йилда олий ўқув юртлари сони 77 тадан 202 тага қўйилган эса олий маълумотли ёшлар сафи тобора кенгаётганини билдиради.

Олий таълимга кириш имтиҳонлари

Бугун нодавлат таълим ташкилотларига талаб ортаётгани бежиз эмас. Ушбу муассасаларда замонавий шарт-шароит дейсизми, устоз-шогирд муносабатлари, ўқитувчиларнинг билимдонлигига ишига сидқидилдан ёндашиши, таълим билан бирга тарбияга катта аҳамият қаратилаётгани, ҳуллас, ўқувчиларни бугунги замоннинг талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш йўлидаги сазай-ҳаракатлар ёшларимизни, ота-оналарни ўзига жалб қилаётир.

Муаллимликнинг завқи ўзгача

Ўқитувчилик касбини юраги меҳр-шафқатга тўла инсонлар танлайди. Ҳақиқий муаллим ўз ишини мажбуран бажариладиган огир юмуш деб эмас, унга умр бағишланадиган муқаддас бурч деб билади.

Бундай муаллимларимиз бугун юртимизнинг ҳар гўшасида ўғил-қизларимизга таълим-тарбия бериш билан банд. Миллий статистика қўмитасининг маълумотларида ўтган ўқув йилида умумий ўрта таълим муассасаларининг ўзида 564,9 минг нафар ўқитувчи фаолият юритгани айтилади. Бу 2015/2016 ўқув йилидагига нисбатан 170,9 минг нафарга кўп, дегани. Ушбу рақамлар аини пайтда педагогларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бораётганини билдирса, бошқа то-

МИЛЛИОНЕРЛАР ТАЪЗИМ ҚИЛГАН ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМ

Билим — қудрат, у билан қуролланган одамни енгиб бўлмайди. Шарафли касби орқали шогирдлари меҳрини қозонган ўқитувчи Алланияз Утениязов ўзини таълимга бағишлаган маърифатпарвар инсонлардан.

Ўзбекистон Қаҳрамони Алланияз Утениязов 1936 йилда Кеғейли туманидаги “Қазаяқли” овулида туғилган. Овулларда яшаш шароити огирлиги учун онаси билан тоғасининг ёнига, ҳозирги Нукус туманининг “Узунқўл” овулига кўчиб келади.

Саховат

Ёш Алланияз бу ердаги мактабда ўқиб, буш вақтида мева, полиз маҳсулотларини етиштиришга киришади. Онаси сазавотларни бозорда сотиб, рўзгор тебратди...

А. Утениязов Нукус давлат педагогика институтини тамомлаб, илк ўқитувчилик фаолиятини ўрта мактабдан бошлайди. Талабалик даврида ҳам, ўқитувчилик кезларида ҳам урушда боқувчисини йўқотганларга, ногирон бўлиб қайтганларга ёрдам беради. Аини шу элпарварлиги билан овулдошларининг назарига тушади.



— Алланияз оға таълим соҳасининг чинакам фидойиси, эзгу ишларнинг бошида турган саховатпешалардан, — дейди Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қалжан Қалбаева. — Ўз даврида қаҳрамон ўқитувчининг жасорати ва химматини мактаб маркази эгизгетларда шу қадар қўп мақола-чоп этилганки, унинг номига дунёнинг турли бурчакларидан мактублар оқиб кела бошлади. Гап шундаки, муаллим болаларга билим бериш билан бирга, 36 оилга тураржой, 2 тадан мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт пунктлари

қуриб берган. Алланияз оға дарсдан сўнг эҳтиёжманд оилалар учун бошлаб қўйган иморатини тезроқ битказишга шошилари. Масалан, Куба давлати раҳбари Фидель Кастро шундай ёзган: “Сиз ўзинингизнинг саховатингиз билан қўллаб инсонлардан юксакда турасиз. Сизнинг бу фазилатингиз ёш авлодни тарбиялашда ҳали қўп намуна бўлажак. Мен сизга тана бераман...”

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко ўз туйғуларини қуйидагича ифодалаган: “Сизнинг 30 — 35 йиллик меҳр-мурувватга тўла ҳимматингизни ҳар сафар рингдаги жанг олдида 30 — 35 сония ҳаёлимизда жонлантираман, сизни кўз олдимга келтириб, ибратингиздан мадад оламан. Шу вақт ўзимда қўлимча, енгилмас қучқуват тўплангандек сезаман ва албатта, ғалабага еришаман”.

Алланияз Утениязовнинг саховати-на аргентиналик миллионер Х. Сапун ҳам ҳайратга тушган: “Менинг қўл остида 4 минг киши ишлайди. Аргентинада энг бой одамлардан бириман. Ху-

сусий мол, парранда фермаларим, фабрикаларим бор. Лекин менинг бойлигим сизнинг бойлигингиз қошида чирик дунёдир. Сизнинг инсоний, маънавий бойлигингиз ҳеч қачон ўлмайди, чиримайди, мангу қолади. Сизнинг қилган хизматингиз дунёда катта янгилик бўлди. Ўқиб ҳайрон қолдим. Менга катта туртки бўлди. Мен ҳам хайр-саховатли бўлишга бел боғладим”.

Умуман, Алланияз Утениязов номига дунёнинг турли бурчакларидан жами 1,5 мингдан ортиқ мактублар келган...

Қаҳрамон муаллим 1999 йилда Нукусда “Саховат” фермер ҳўжалигини ташкил этди. Қўпчилиқка маълум 2000-йилларда Қорақалпоғистонда сувсизлик авж олганди. Ёсимда, ёзининг жазирмасида Нукусдан яёв келарканман, канал томондан катта йўлни кесиб, сув идишларини кўтарган бир киши ўтди. Йўлим ўша томонга бўлгани учун орқасидан юрдим. Ва янги яратилган боғдаги кўчатларга сув қуяётган устозим Алланияз Утениязовлигини қўриб ҳайратда қолганман...

Ҳа, сув танқис йилларда Алланияз Утениязов “Дўстлик” каналидан аравада сув ташиб бўлса ҳам бог яратди. Ўша боглар ҳозир мўл-кўл ҳосил бермоқда.

— Устозимиз ўз фанидан дарс бериш билан бирга, ўқувчиларга ҳаёт сабоқларини ҳам ўқитиб келарди, — дейди Нукус шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси Бахтигўл Матсапаева. — Масалан, қўпинча қўшининг бахтсиз бўлса, сен бахтли бўлолмайсан, дерди.

Пахта йигим-теримида А. Утениязова “комбайн” деб ном беришган. Бошқа илгор теримчилар бир мавсумда 2,5-3 тонна пахта терса, Алланиязнинг марраси 12 — 15 тонна бўлган. Ўша пахта учун берилган пулларни ва маошини у хайрия ишларига сарфлаган...

Алланияз Утениязов богдорчиликдан ташқари бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳам деҳқонларга намуна бўлган. Республика раҳбари Шароф Рашидов Қорақалпоғистонга келганида унинг дала-сидаги маккажўҳори ҳосилини қўриб ҳайратга тушган. А. Утениязовнинг она-

сига раҳмат айтиш учун уйига боради. Ўшанда бошқаларга уй қурган Алланияз отаниннг ўз уйи таъмирталаблигини қўриб, унинг уйини қуриб бериш бўйича топшириқ бергани ҳақида ҳалигача шогирдлари эслашади.

Қаҳрамонлик — бу жасорат, дегани. Алланияз Утениязов ҳам ўзи мухтож бўлса-да, энг мухтожларни топиб бори-рини берди. Етмиш йиллик умри давомида аслрларга татиғулик инсонийлик фазилатларини келгуси авлодларга намуна қилиб қолдирди. Унинг хизматлари “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвонлари билан тақдирланди. 2001 йилда мамлакатимизнинг олий мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлди.

Алланияз Утениязов эл-юрт учун бажарган хизматларини кўз-кўз қилишни ёқтирмасди. Унинг ҳаёти давомидаги қилган эзгу ишлари барчамиз учун ибрат намунасидир.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Миграция сиёсатини такомиллаштириш – давр талаби

➡ У Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Миграция агентлиги, шунингдек, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ҳамда “Петербург мулоқоти” форуми билан ҳамкорликда ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов давра суҳбатини очар экан, янги Ўзбекистонда меҳнат муҳожирилари ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири эканини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар айтишлари муҳожирилари муаммоларига ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, делегация раҳбари, Россия Президентини маслаҳатчиси Валерий Фадеевнинг айтишича, бугунги кунда Россияда 2 миллионга яқин меҳнат муҳожирилари бўлиб, уларнинг юз мингдан ортиқ мактаб ёшидаги болалари бор. Ҳукуматнинг муҳожирилар фарзандларини мактабларга қабул қилмаслик сиёсати инсон ҳуқуқларига зиддир ва бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Тадбирда меҳнат муҳожирилари олдида турган жиддий муаммолар бора-сида ҳам фикр юритилди. Айтилишича, мигрантлар учун тест саволлари анча мураккаб тузилган. Масалан, 1812 йилги урушда рус армиясига қим қўмондонлик қилган ёки МДҲ тузилишида қимлар иштирок этган каби муҳожириларнинг меҳнат фаолиятларига дахли бўлмаган саволлар ҳам мавжуд. Бундай ёндашув Марказий осийёликлар учун атайин ўйлаб топилгандек, гўё. Муҳожириланинг пул ўтказмаларини чеклаш борасида ҳам ҳаракатлар бор. Марказий осийёликлар учун Россия ҳудудига киришда бошқалардан фаркли равишда асосисз текширишлар кўп. Баъзан маҳаллий ОАВ ва ижтимоий тармоқларда мигрантларга қарши қайғи-уйғотувчи мақолалар ҳам тез-тез чоп қилинади. Хусусан, шу йилнинг январь — август ойлари давомида фақат ўзбекистонлик муҳожирилар ҳақида 14 мингга яқин чиқишлар бўлган. Ўтқа-

зилаётган рейдларда, гарчи Муҳожириларнинг ҳужжатлари жойида бўлса ҳам, уларга беписанд муносабатда бўлигани ёки телефонлари ноқонуний текширилгани каби ҳолатлар учрайди.

Муҳожамада миграция сиёсатини такомиллаштиришга ҳар икки томонда, яъни қабул қилувчида ҳам, йўналтирувчида ҳам доимо эҳтиёж мавжудлиги қайд этилди. Айниқса, МДҲ мамлакатларининг ягона меҳнат бозорини барпо қилиш ҳақида гап борганда, ушбу масалалар янада долзарблик касб этади.

Ўзбекистон ва Россиянинг айтиш йўналишидаги ҳамкорлиги миграция, меҳнат ҳуқуқлари ва фуқароларнинг эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда прагматик ёндашувни, шу билан бирга, чуқур инсонпарварлик намунасини амалда намоён этади.

Шунингдек, Россия олимлари қаламига мансуб “Ўтмишдан келажақ сари: замонавий дунёда инсон ҳуқуқлари” номли монографиянинг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу асар Россия давлат гуманитар университетининг Мерос ва замонавий жамият институти томонидан нашр этилган.

Тақдимотда сўзга чиққанлар эътироф этганидек, “Ўтмишдан келажақ сари: замонавий дунёда инсон ҳуқуқлари” монографияси фундаментал тадқиқот ҳисобланади. Китоьда инсон ҳуқуқлари гоълари Россия жамиятининг аънаваний қадриятлар тизимига қандай кириб келгани, бошқа ҳуқуқий ва маданий аънаваларга нисбатан қандай ривожланаётгани ҳамда глобал муаммолар шариотида ижтимоий ҳуқуқлар нечоғли муҳим аҳамият касб этаётгани илмий, назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган.

Бундай амалий саяё-ҳаракатлар, шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасида инсон ҳуқуқлари ва гуманитар тадқиқотлар соҳасида амалий мулоқотни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва шериклик алоқаларини мустақкамлашга қаратилган кенг қўламли ташаббуслар тизимини амалга изчи қат-биқ этиш йўлида муҳим амалий қадамлардир.

«Халқ сўзи».

ШҲТ банки – минтақа учун тараққиёт кафолати

Хитойнинг Шимоли-Шарқидagi порт шаҳар — Тяньцзинда ўтказилган саммит Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йилда ташкил этилганидан буён уюштирилган энг йирик тадбир бўлди. Дастлаб минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш ва чегара масалаларини ҳал қилиш мақсадида тузилган тузилма вақт ўтиши билан ўз функцияларини кенгайтириб, ўзарувчан ташқи шароитларга мослашди. У хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни мустақкамлаш билан бир қаторда, кўп томонлама савдо тизимини қўллаб-қувватлаш, рақамли иқтисодиёт, илмий-техник инновациялар мавзулари муҳожама қилинадиган майдонга айланди.

Нуктаи назар

Бу сафар етакчилар 20 дан ортиқ ҳужжатларни, жумладан, Тяньцзин декларациясини қабул қилди, ШҲТни 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини тасдиқлашди. Бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш тажрибаси олдиндан мавжуд: биринчи стратегия 2015 йилда амалга киритилган.

Эътиборлиси, сўнгги саммитда ШҲТ Тараққиёт банкни ташкил этишга келишиб олинди. Гарчи ҳозирча бу банк расман очилмаган бўлса-да, унинг фаолияти бошланиши Ўзбекистон ва бошқа аъзо мамлакатлар учун бир қатор манфаатларни келтириши мумкин. Мазкур Тараққиёт банкнинг таъсис этилиш ҳақида Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган саммит аъунлари бўйича қабул қилинган декларацияда айтилган.

Айтиш жоизки, ШҲТ банкни яратиш гоъси илк бор 2010 йилда расман эълон қилинган. Глобал молиявий инқироздан кейин Хитой ўз иқтисодий дипломатиясини фаоллаштирди. Пекин бу инқирозни нисбатан енгил ҳолда бошидан кечириб, хорижий инвестициялар ва молиявий ёрдам дастурларини кенгайтириш имкониятига эга бўлди. 2011 йилда ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашида инвестиция ва молиявий ҳамкорликни қучайтиришга хизмат қилувчи кўп томонлама лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашининг мумкин бўлган механизмларини қўриб чиқиш масаласи кўтарилди. Шу билан бирга, Пекин юанни интернационализация қилиш ва Марказий Осиё давлатлари билан миллий валюталарда ҳисоб-китобни амалга ошириш ташаббусини ривожлантирди.

2008 йилдан сўнг Хитой Экспорт-импорт банки ШҲТ аъзо давлатлари учун махсус кредит линиясини ишга туширди.

Кўшма лойиҳаларни молиялаштиришга эътибор қаратилади

Ташкил этилиши режалаштирилаётган молиявий институтнинг асосий йўналишлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, банк, биринчи навбатда, кўшма лойиҳаларни молиялаштиришга эътибор қаратади. Бу транспорт коридорлари, энергия тизимлари ва коммуникация тармоқларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Шу ўринда, бу Ўзбекистон учун фойдалими деган савол туғилиши табиий. Шубҳасиз, янги банкнинг фаолият бошланиши Ўзбекистон учун қўллаб-манфаатлар олиб келади. Жумладан, темир йўллар, автомагистраллар, электр станциялари ва газ қувурларини қуриш лойиҳалари молиявий қўллаб-қувватланиши мумкин. Бу иш жойлари яратиш ва аҳолининг турмуш шариотини яхшилашга олиб келади. Стартлаш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришларни молиялаштириш мамлакатимизнинг илмий-технологик салоҳиятини мустақкамлайди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва экологик тоза технологияларни жорий қилиш орқали барқарор ривожланишга эришиш мумкин.

Умуман, банк ШҲТнинг жаҳон иқтисодиётидаги маъкеини мустақкамлаб, глобал молиявий жараёнларда фаолроқ иштирок этиш имкониятини беради.

Ташкилотга аъзо давлатлар декларацияда ташкилот ҳудудида иқтисодий ўсишга қўмаклашиш учун молия соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим ролини қайд этди. Улар, шунингдек, ўзаро ҳисоб-китобларда миллий валюталарнинг улушини аста-секин ошириш бўйича “Йул харитаси”ни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлашди.

Тараққиёт банки аъзо мамлакатлар резидентларига бирлашма ичида эр-



мақсад — давлатларнинг ўз тўлов инфратузилмасини ва мустакил депозитарийсини яратиш. Янги банк, биринчи навбатда, энергетика ва инфратузилма соҳаларидаги кўшма лойиҳаларни молиялаштириш воситасига айланиши керак. Рақамли ҳисоб-китобларга алоҳида эътибор қаратилади. Банкнинг асосий вазифаси — қатнашчиларнинг ҳисоб-китоблар ва инвестициялар учун барқарор платформани шакллантириш ҳисобланади. Экспертлар таъкидлашча, лойиҳанинг муваффақияти иштирокчи давлатларнинг ўз тизимларини синхронлаштиришга ва бирлашма доирасида капиталнинг эркин айланишига рухсат беришга тайёрлигига боғлиқ бўлади.

Иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий босқичи

Замонавий босқичда иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига молиявий масалалар ҳам устувор ўрин тутди. Хусусан, 2005 йилда ШҲТ Банкараро бирлашмаси ташкил этилди. Бу аъзо мамлакатларнинг энг йирик банкларини ўз ичига олган маслаҳат ва мувофиқлаштирувчи тузилмадир. У ШҲТ Тараққиёт банкни яратиш йўлидаги биринчи қадам бўлган.

Марказий Осиёнинг барча давлатлари Тараққиёт банкни ташкил этиш гоъсини қўллаб-қувватлади.

Эҳтимолий ШҲТ банки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби ижтимоий аҳамиятга эга йўналишни қўллаб-қувватлаши муҳим. Шу пайтгача бу йўналиш билан боғлиқ кўплаб масалалар унинг фаолияти доирасидан ташқарида қолиб кетди. Ташкилот мавжуд бўлган барча йиллар давомида дарёларнинг трансчегаравий ифросланиши

муаммосини ҳал қилиш, трансчегаравий сув ҳавзаларидан сув олиш ҳажми масаласини тартибга солиш бўйича ҳеч қандай самарали чоралар қўрилмади.

Хитойлик тадқиқотчиларнинг таъкидлашча, Пекиннинг Марказий Осиё стратегияси ШҲТга таяниб минтақа муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш, минтақа мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш, барқарорлик ва фаровонликка қўмаклашишга қаратилган.

Банкнинг геосийёсий аҳамияти ҳам катта. ШҲТ Тараққиёт банки Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондида муқобил сифатида қаралади. Бу тузилма иштирокчи давлатларга ўз иқтисодий сиёсатларида кўпроқ мустақилликка эга бўлиш ва иқтисодиётларини ташқи босимсиз ривожлантиришга имкон беради. Тараққиёт банкни ташкил этиш ташкилотнинг жаҳон иқтисодиётидаги маъкеини мустақкамлайди, унга глобал молиявий ва иқтисодий жараёнларда фаолроқ роль ўйнашга имкон беради. Банк ШҲТга аъзо мамлакатларда камбағаллиқни қисқартириш ва турмуш даражасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш эҳтимоли нуктаи назардан аъзо мамлакатларга жаҳон иқтисодиётида ўз рақобатбардошлигини оширишга имконият яратади. Мазкур молиявий муассаса томонидан рағбатлантириладиган иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик минтақавий барқарорлик ва хавфсизлиқни мустақкамлашга ёрдам беради.

Умуман олганда, ШҲТ Тараққиёт банки иқтисодий ривожланиш, минтақавий интеграция ва тузилманинг жаҳон иқтисодиётидаги ролини ошириш учун муҳим восита бўлиш салоҳиятига эга. Банкнинг инвестициялари ва молиявий қўллаб-қувватлаши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига, минтақавий ҳамкорликнинг мустақкамланишига ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бирок унинг муваффақияти кўплаб омилларга, жумладан, самарали бошқарувга, операцияларнинг шаффофлигига ва капитал жалб қила олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Элмурод ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

Ёзда Ёпинчиёнинг ташлама, қишда ўзинг биласан



Лафз ижроси билан қадрли

Бу йил қиш фаслида электр ўчмас-микин? Ахир бу соҳа иссиқлик таъминотида ҳам, ҳаракат ҳаётий эҳтиёжлар, катта-кичик корхона заводлар фаолияти учун жуда зарур. Электр бўлмаса, гўё ҳаёт тўхтагандек туюлади. Не ажабки, соҳа мутасаддиларининг ваъдаси ўша-ўша: қиш чилласида электр энергияси тўқис бўлади, хавотирга ўрин йўқ!

Мутахасссларнинг айтишича, айти чоғда электр энергетикаси соҳасида республикамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 14,1 минг МВт-соатдан ошган. Бунинг асосий қисми (85,8 фоиз) иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади. Афсуски, ИЭСлар кўмирга, баъзан мазут ёқишга ўтган. Қозонхоналарда ҳам аҳоил шу: асосий иссиқлик манбаи — кўмир. Бу газдан кўра арзонга тўшади дейишад, аммо экологиянинг бузилиши, одамлар заҳарланиши “четга чиқиб” қолгандек...

Мамлакатимизда 2030 йилга бориб электр энергияга бўлган максимал талаб 20 минг МВт-соатга етиши кутилимоқда. Шунинг учун тармоқда янги қувватларни яратишга, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга, қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий улушини 21 фоизгача етказишга жиддий киришилган. Мутахассслар замонавий технология маҳсули — атом электр станцияси қуриш лойиҳасини амалга ошираётгани ҳам шундан: эҳтиёждан ортда қолмаслигу ҳавони булғаб ташламаслик!

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги рейдларида шу йилнинг 8 ойи ичида атмосфера ҳавоси ифлосланиши билан боғлиқ 281 та қонунбузарлик аниқланган. Гап пойтахтдаги 388 та, Тошкент вилоятидаги 845 та, жами 1233 та саноат корхонасининг 5 млн. 30 минг

тонна кўмир ва 262 минг тонна мазут ёқилгисидан фойдаланиб фаолият юритгани устида бормоқда. 9 та иссиқлик маркази ҳамда Тошкент ИЭСда филтёрлар мавжуд бўлмаса-да, 262 минг тонна мазут ёқилгиси ишлатилган. Натижада атмосферага ташлама микдори меъёрдигидан 7 минг тоннага кўпайиб кетган. Ҳўш, қиш чилласида ҳам шундай бўладими, биналорни иситамиз дея, ҳавони нафас олиб бўлмай-диган даражада ифлослантириб ташламаймизми?.. Бу муаммо ҳам кун тартибда турибди.

Таассуфлар бўлсинки, катта харажат эвазига ишлаб чиқарилаётган энергияни исроф қилмасликка, ўзбошимчилик билан тармоққа уланиб олиш хижоат эканига ҳам панжа ортидан қараямиз. “Ўзэнергоинспекция” мутахасссларининг ҳисоб-китобига кўра, ҳар бир хонадонда йилга ўртача 400 кВт/соат электр энергиясини тежаш имконияти мавжуд. Агар бу амалга ошса, республика бўйича тежалган электр қуввати 1,8 млрд. кВт-соатни ташкил қилади. Бу билан Жизза ёки Сирдарё вилоятларини бир йил узлуқсиз энергия билан таъминлаш мумкин.

Мавсум муаммосиз ўтсин

Қиш чилласига газчилар ҳам тайёргарлик кўраётгани аниқ. Давлатимиз раҳбари куз-қиш мавсумида истеъмолчиларга 330 минг тонна суюлтирилган газни тўлиқ етказиб бериш топширини бердилар. Мутасаддилар қатори минглаб кишилар шу йўналишга жалб этилган. Ҳўкумат талаби шундай — аҳоли талабини қондириш. Аммо бу тармоққа кўпма ишониб бўлмайди. Чунки бир неча йилдирки, қунлар совиёи бошласа, метан газ қуйиш шохобчалари дарвозасига қулф тўшади, арзон дея техниксига метанбалон ўрнатган ўн минглаб автомобиль эгаларини қардини ҳеч қим эшитмайди ҳам. Шундай экан, юртимизнинг аксарият қисмида қиш чилласида совуқдан қийналмаслик, истаимизми-йўқми, кўмир сифати ва таъминотиға боғлиқ бўлиб қолади.

“Ўзбекқўмир” АЖ масъул ходими Шамил Нигматуллиннинг таъкидлашча, бу йил аҳолиға 1,4 млн. тонна, бюджет ташкилотларига 414,6 минг тонна, давлат-хусусий шериклик асоси-

даги муассасаларға эса 245,6 минг тонна кўмир етказиб бериш 90 та ҳудудий омбор ва 15 та мавсумий шохобча орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда заҳирада 50 минг тоннадан зиёд маҳсулот бор. Бир тонна кўмир нархи эса аҳоли учун 309 минг 800 сўм, бюджет ташкилотлари учун 431 минг 400 сўм қилиб белгиланган.

— Агар бирор маҳалла ё овулда кўмирга эҳтиёж туғилса-ю, маҳсулот сотиб олишда ё унинг сифати билан боғлиқ масалада муаммоға дуч келсангиз, интернет орқали бизга мурожаат қилинг (“Myscoal.uz” электрон). Барча вилоятларда аҳоли учун ажратилган кўмир ҳажми ўтган йилгидан

“Мамлакатимизда 2030 йилга бориб электр энергияга бўлган максимал талаб 20 минг МВт-соатга етиши кутилимоқда. Шунинг учун тармоқда янги қувватларни яратишга, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга, қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий улушини 21 фоизгача етказишга жиддий киришилган. Мутахассслар замонавий технология маҳсули — атом электр станцияси қуриш лойиҳасини амалга ошираётгани ҳам шундан: эҳтиёждан ортда қолмаслигу ҳавони булғаб ташламаслик! —”

икки қарра кўп. Шу боис кўмир кам, етмайпти деган баҳоналарға асло ўрин йўқ, — дея таъкидлайди Шамил Нигматуллин.

Касби туманидаги Ҳўжахайрон қишлоғида жойлашган 34-мактаб директори Фулом Асодовнинг сўзларига қараганда, кўмирнинг сифати ўтган йилдагидан анча яхши, ўқув хоналарини иситиш учун бу йил мактабга 40 тонна кўмир келтирилди. Агар аёз чўзилиб кетмаса етади.

— Бундан ташқари, собиқ ўқувчиларим фермер сифатида хиймат кўрсатиши — мактабга икки тележака ўтин келтириб беришди. Насиб этса, 15 ноябрдан бир нафар ишчини ўт ёқувчи сифатида ишга оламиз, унга 12 нафар фаррош қўмақчи бўлади. Афсуски, ўт ёқувчининг иш ҳақи жуда кам, аммо иши кўп. Чунки мактабдаги ҳар бир хонага жами 22 та “буржуйка” деган темир печка ўрнатганимиз-да, — дейди директор. — Қани энди, бизни мактабда ҳам уч-тўртта замонавий печа ўрнатилиб, иссиқлик таъминланса. Бу ҳозирча орзу!

Касби туман мактабгача таълим ва мактаб бўлими мудири Азиз Камоловнинг айтишича, тумандаги 62 та мактабнинг 59 таси, 32 та давлат боғча-сининг ҳаммаси кўмир билан исити-

лади. Шу боис таълим масканларига жами 3 029 тонна кўмир тарқатилди. Албатта, иш сифатини назорат қилиш, ёнғинга йўл қўймаслик учун махсус штаб ҳам ташкил этилади.

— Ўтган йил қийналдик, 69 тонна кўмир аранг етди, — дейди Жомбой туманидаги 20-мактаб директори Сайқалбек Наримов. — Илгари иситиш газ орқали эди-да. Ҳозир 7 та “котёл”га ўт ёқиш учун 4 кишини мавсумий ишга олишни кўзлаямиз. Афсуски, маоши кам — бор-йўғи 1 млн. сўмдан. Яна бир муаммо йўлантриятти: ўтган йили қиш чилласида печларга кўмир ёқишни қўлайтирдик, ишчиларнинг тажрибаси етмадими ё кўмир сифатсиз бўлди,

лар ўғилларининг шаҳардаги уйда қишни ўтказмоқда. Балки мен ҳам ҳаво жуда совиб кетса, шаҳарга кетарман. Телевизорда қўриб қувонаман, кўп қаватли уйлар кўп қуриляпти, ўғил-қизларимиз, ёш оилалар ўйли-жоили бўлишяпти. “Ота, уй қурайлик, кейин уйланаман” деган гап-сўзларга ўрин қолмади бугун. Пул топганинг ошми олчи. Президентимиз барака топсин, отасига раҳмат, ҳаммага меҳнат ортидан фаровон яшашни ўргатди. Очиғи, тўқинилгани кўриб, ўлгинг келмайди (бобо енгил қулади), совуқни писанди этмай маза қилиб яшагинг келаверади.

Нарх ошмоқда, хизмат сифати-чи?

Бугун шаҳарлардаги янгио эски кўп қаватли уйларни иситиш ҳам осон бўлаётгани йўқ, масалан, пойтахтда. Яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг йиғилишида “Veolia Energy Tashkent” компаниясининг бош директори Севара Пардаева пойтахтдаги иссиқлик тармоқларининг 68 фоизи таъмирга муҳтожлигини, ҳар йили таъмирдан 474 километр қувурларни янги-сига алмаштириш лозимлигини айтди.

2022 йил 1 июлдан бошлаб пойтахтнинг иссиқлик таъминоти тизимини ўз қўлига олган компания раҳбарининг сўзларига қараганда собиқ “Тошиссиқликкуввати” ДУҚдан мерос қолган иссиқлик тизимининг ҳолатини яхшилаш жуда оғир кечмоқда. Чунки кейинги 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳеч қим занг-лаган қувурларни алмаштириш билан шўғулланмаган. Истеъмолчилар хизмат ҳақини тўлаган, давлат субсидиялар ажратган бўлса-да, таъмирчилар фақат тешикларни ямаш билан чекланган, хизмат кўрсатиш сифати жуда ёмон аҳволда бўлган. Бунинг 2023 йилда юз берган аномал совуқдаги пойтахт аҳолисининг ҳолати аққол намоеён қилди.

Бугунги кунда иссиқлик энергетикасини модернизациялаш масаласи мамлакат раҳбарияти томонидан назорат қилинмоқда. Шу боис пойтахтда ўз фаолиятини давом эттираётган “Veolia Energy Tashkent” компанияси Бектемир ва Сергели туманларида иккита янги замонавий ёпиқ қозонхона қурди ва 144 та алоҳида иссиқлик пун-ктини (ИТП) ўрнатди. Қозонхоналар заҳира генераторлар ва факулудда вазиятлар тизимлари билан жиҳозланган бўлиб, улар электр қуввати узилган тақдирда ҳам ўчиб қолмайди. Шунингдек, 180 километрдан ортиқ қувурлар янги-сига алмаштирилди, бу ша-

